



Nigora YUSUPOVA^a 

*^a Head of the Department of Social Sciences and Law,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Juridical Sciences, Professor
11 A. Qadiri Street, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru*

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗДА ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТАЛҚИНИ

Аннотация. Ўзбекистон ҳудуди тарихан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар ва этник гуруҳлар учун муқим маскан бўлиб келган. Минтақанинг ижтимоий-маданий тузилишида динлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро мулоқот, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик анъаналари устувор ўрин тутди. Бу ҳолатни тарихий манбаларда турли даврлар контекстида қайд этилган қатор далиллар тасдиқлайди.

Ўтмишида ва ҳозирда ҳам жамиятда мавжуд турли конфессиялар ўртасида муайян устунликка йўл қўйилмаган, балки ҳар бирига эътиқод эркинлиги таъминланган ҳолда, диний хилма-хиллик мувозанатли ва инклюзив ижтимоий барқарор муҳит намоён бўлиб келган. Халқлар ва миллатлар ўзаро ҳурмат, динлараро мурося ва маданий мулоқот асосида биргаликда ҳаёт кечиргани. Бу эса Ўзбекистонда бағрикенглик ва диний плюрализмнинг мустаҳкам илдиз отганидан далолат беради.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллий меросимиз асосидаги диний бағрикенглик тамойиллари ҳамда демократик жамият қуриши жараёнида ёшлар тарбиясида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритилган.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида кўтарилган ёшлар таълими ва тарбияси билан боғлиқ долзарб масалалар ўрганилган. Президент илғари сурган фикрлар асосида ёшлар тарбиясида экстремизм ва радикализмга қарши курашнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий асосларини шакллантириши ҳақида фикр юритилган ҳамда бу борада энг муҳим омил жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг аҳамияти ҳам таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: таълим, маърифат, радикализм, жаҳолат, миллий гоя, динийлик, бағрикенглик, маънавият, ҳуқуқий онг, давлат, демократик, ҳуқуқийлик, ижтимоийлик, дунёвийлик, тинчлик.

INTERPRETATION OF INTERFAITH HARMONY AND TOLERANCE IN OUR SPIRITUAL HERITAGE

Abstract. Uzbekistan has long been a homeland to people of diverse ethnicities and religions. Historical sources attest to the peaceful coexistence of representatives of various religious traditions and social classes throughout the region's history.

Importantly, no particular religion was granted a dominant position over others. Communities adhering to different faiths lived in an atmosphere of mutual respect, harmony, and interreligious tolerance.

This article focuses on the ongoing reforms in Uzbekistan aimed at fostering religious tolerance, as well as the spiritual, educational, and legal frameworks used to protect youth from the influence of religious extremism and terrorism.

Furthermore, the article explores key issues concerning the moral and intellectual upbringing of the younger generation, based on the initiatives and viewpoints of the President of the Republic of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev. Drawing from his statements, the discussion emphasizes the critical role of education in countering extremism and radicalism, particularly through promoting enlightenment as a means of combating ignorance.

Keywords: education, enlightenment, radicalism, ignorance, national idea, religious tolerance, spirituality, legal consciousness, state, democracy, legality, sociality secularism, peace.

КИРИШ

Ўзбекистон қадимдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар ва элатлар яшаган ўлка ҳисобланади. Ушбу минтақада турли дин ва элат вакиллари ўзаро аҳил ва тинч-тотув, яшаб келгани жуда кўплаб тарихий манбаларда қайд этилган.

Жамият ҳаётида мавжуд турли динларнинг биронтасига бошқасига нисбатан устувор мавқе берилмаган. Халқлар, элатлар, миллатлар ўзлари танлаган динлари доирасида эътиқод қилаверганлар ва ўзаро ҳамжиҳатликда, динлараро бағрикенгликда яшайверганлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни, туб ўзгаришлар самараси ўларок, динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, Собиқ Иттифок тузумининг ҳужумкор атеистик сиёсатида барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди. Шунинг баробарида давлатчилигимиз демократик ривожланиш йўлини танлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Давлат хусусан, унинг алоҳида органлари ўз вазифаларини бажариш асносида диндорлар ва диний ташкилотлар билан хилма-хил муносабатларга киришишади. Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили унинг асосини ташкил этишини таъкидлаш зарур. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023:9).

Диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилгани диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Бу фуқаролик жамиятида дин ўз мавқеига эга бўлишини англатади. Бу ҳам Конституциямизнинг амалдаги ижросидан келиб чиқадиган мантикий ҳулосалардан биридир.

Айтиш жоизки, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, бунёдкор қадриятларимизни асраб-авайлаш ва халқимизнинг ҳақиқий маънавий сийратини белгиловчи фазилатларни ўзида мужассамлаштирган меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам, ҳурмат, одоб-ахлоқ каби энг олий инсоний туйғуларнинг туб моҳиятини англаш ва эъзозлашда айнан диний ташкилотлар ва дин арбобларининг ўрни бекиёслигини ҳеч ким инкор этмайди. Аксинча, бундай бунёдкор

фаолият қизгин қўллаб-қувватланади. Бунинг сабаби эса, Конституциямизда ана шундай фаолият учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиб берилганидир.

Демак, давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи муҳим тамойил, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олишидир. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади. Зеро, ҳар қандай мураккаб даврда миллий ўзлигини ва диний қадриятларини сақлаб қолишни хоҳлаган давлат ва унинг халқи, тарихдан ҳулосалар чиқариши, асрлар синовидан ўтган аجدодлар ўғитига қулоқ тутиши лозим. Шу омилдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда турли эътиқод вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни, бағрикенгликни таъминлашда ислом дини таълимотининг аҳамияти жуда катта.

Диний бағрикенгликнинг асоси эса турли эътиқод вакиллари ўртасидаги ўзаро гўзал муомала асосига қурилади. Бу борада аждодларимиз мероси жумладан, Имом Мотуридийнинг «Таъвилот аҳли-с-сунна» тафсирида ҳозирги давр учун катта аҳамиятга эга ғояларни учратиш мумкин.

Қуръони каримнинг Наҳл сураси 125-оятда: «(Эй Муҳаммад!) Парвардигорингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчи ва ҳидоят топганларни ҳам билувчироқдир» (Абдулазиз Мансур, 2018:281).

Мазкур оят тафсирида Мотуридий куйидагиларни айтади: «Бу оятда диний мавзудаги мунозара одобини ва ўзаро қай йўсинда баҳс қилиш лозимлигига оид кўрсатмалар бор. Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун (а.с)ни Фиръавнни ҳаққа чақириш учун юборганида ҳам, қандай муомала қилишни ўргатиб: – «Бас, унга юмшоқ сўз сўзлангиз! Шояд, у эслатма олса ёки (ҳалок) бўлишдан қўрқса» (Тоҳо сураси: 44-оят), деган. (Абу Мансур Мотуридий, 2006: 216-219).

Муфассир шу тариқа Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарини Фиръавн каби душмани билан ҳам чиройли мунозарага буюрганини эслатади. Бу орқали Яратган барча мусулмонларни бошқа эътиқод вакиллари билан, ҳатто улар адоватда бўлган тақдирда ҳам гўзал муомалага чақирганини айтиб ўтади.

Маълумки, дин эркинлиги диний бағрикенгликнинг асоси ҳисобланади. Шу боис диний бағрикенгликни таъминлашни мақсад қилган ҳар бир жамиятда унга жиддий эътибор қаратилади. Бугун дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлардаги динга бўлган муносабат демократия мезонларига асосланганини чуқур идрок этмоғимиз лозим. Бизнинг жамиятимиз тараққиёти негизи қилиб белгиланган дунёвийлик, ҳурфикрлик тамойили ҳам худди ана шу тажрибаларга асосланган. Шунга кўра, Янги Конституциямизнинг 33-моддасида: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга» эканлиги, 35-моддада эса «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» тамойили мустаҳкамланди (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023:11).

Демак, «Виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди».

«Таъвилот аҳли-с-сунна»да ҳам юқоридаги тамойилларга асос бўла оладиган ғояларни учратиш мумкин: «Динда мажбурлаш йўқ...» (Бақара сураси: 256-оят). Ушбу оят тафсирида Мотуридий қуйидагиларни айтади:

«Динда мажбурлаш йўқ, яъни бирор киши динга мажбурланмайди... Баъзилар Аллоҳ таолонинг «Динда мажбурлаш йўқ» жумласини «Дин мажбурлаш орқали қабул қилинмайди. Акс ҳолда, бу имон ҳисобланмайди», деб тушунтиришади.

Иккинчидан, тўғри йўлнинг адашишдан фарқи аниқ бўлди ва у ҳар бир кишига аён бўлди. Шу боис, дин мажбурлаш орқали эмас, аниқлаштириш ва тушуниб етиш орқали қабул қилинади. (Шунга асосан) бир гуруҳ олимлар: «Динда мажбурлаш йўқ, яъни ислом қабулидан кейин ибодатларга мажбурланмайди», дейишади. Чунки, Аллоҳ таоло ушбу ибодатларни мўминларнинг қалбларига суюкли қилди ва улар бундан оғирлик ҳис қилмайдилар.

Яна баъзи олимларнинг айтишича: Ансорларнинг бир гуруҳи ўз болаларини яҳудийларга эмизиш учун беришарди. Ислом келгач ансорлар мусулмон бўлишди ва уларнинг яҳудийлар олдида қолган болалари яҳудий динида қолишди. Натижада ансорлар уларни исломга мажбуран киритмоқчи бўлишди. Шунда: «Динда мажбурлаш йўқ», ояти нозил бўлди» (Абу Мансур Мотуридий, 2006:158-160).

Мазкур оят тафсирида кўриш мумкинки, Мотуридий ҳеч бир кишини динга мажбуран киритиш мумкин эмаслигини айтади ва ушбу оят нозил бўлишига ҳам ўзга дин вакиллари исломга мажбурлаш ҳолати сабаб бўлгани ҳақидаги ривоятни келтиради. Дин қалб амри билан қабул қилиниши лозимлигини айтади. Шунингдек, исломни қабул қилган кишилар ҳам ибодатларга мажбурланмаслиги, ислом талабларини улар имон тақозосига кўра, ихтиёрий бажаришлари кераклигини таъкидлайди. Аллома келтирган ушбу маълумотлар ислом асосларига кўра ҳар бир инсонга эътиқод эркинлиги таъминланишини кўрсатади ва бу ҳозирги давр халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний тамойилларига ҳам тўла мос тушади.

«Бас, (эй, Мухаммад! Уматингизга) эслатинг! Зотан, Сиз фақат эслатувчидирсиз. Уларнинг устидан зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз» (Абдулазиз Мансур, 2018:592).

Имом Мотуридий: «Ушбу оятда, Аллоҳ таолонинг Расулига кишиларни у зот (с.а.в.)га хуш келмайдиган ишлар қилганлари сабаб жазоламаслик, улардан содир бўлган нарсаларга енгилроқ муносабатда бўлишга қаратилган амр бор. Яъни, Парвардигор айтадики: «Уларга Аллоҳ таолони ва У Зотнинг неъматлари улуғлигини эслат, Пайғамбарларни инкор қилувчиларнинг қандай ҳалок бўлганларини ва уларни тасдиқлаганларнинг қай йўсинда нажот топганларини айтиб бер. Инсонларни уларнинг олдида улкан ва масъулиятли вазифа турганидан огоҳлантир. Уларга қаҳр этма, қилган амаллари сабаб жазолама. Бу ишларни Аллоҳ таолонинг Ўзига қўйиб бер» (Абу Мансур Мотуридий, 2006:184).

Ушбу оят тафсирида ҳам диний бағрикенглик тушунчасини ўзига хос талқинини кўриш мумкин. Яъни, мазкур ўринда Мотуридий Аллоҳ таоло одамларни исломга даъват учун юборган пайғамбарини ҳам бағрикенг бўлишга буюрганини, кескин муносабатлардан қайтарганини айтади.

МУҲОКАМА

Қуръон ва исломнинг асл ақидалари инсонларни доимо яхшиликка буюради ва ёвузликдан қайтаради. Бугун кўплаб бузғунчи оқимлар ўзларининг инсонийликка зид ғоя ва амалларини ислом билан никоблашга уринаётган бир даврда бу тамойил, айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Албатта, бундай шароитда Қуръон оятларини анъанавий ислом руҳида шарҳлаган «Таъвилот аҳли-с-сунна»дек тафсирларга ҳар қачонгидан ортик эҳтиёж туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20.12.2022 кунги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бу борада тўхталиб қуйидаги фикрларни ўртага ташлаган эди: «Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин, такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Могуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?» (Ш. Мирзиёев, 2022:5).

Маълумки, бугун мамлакатимизда ҳар жабҳада кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётган экан, давлатимиз ва жамоатчиликнинг доимий диққат марказида бўлиши лозим бўлган муҳим масала – фуқароларимиз айниқса, ёшларимизнинг маърифати, ҳуқуқий онги ва маданияти ҳамда мафкуравий иммунитетини ошириб боришдир.

Маълумки, мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва бардавомлигини таъминлашда фаол иштирок этадиган авлодни вояга етказишдир. Шу боис, ёшлар тафаккури софлигини сақлаш, уларнинг кайфиятлари, орзу-умидлари, интилишларининг мазмун моҳиятини ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш ўта долзарб вазифадир.

Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек, «Бугун тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ҳарозил кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу

масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак» (Ш. Мирзиёев, 2017:23).

Дарҳақиқат, Ўзбекистон шароитида ёшлар тарбиясида, ўзбек менталитетидан келиб чиқиб, катталарга, ота-оналарга бўлган муносабатларнинг синалган услубларига алоҳида эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Мафкуравий таҳдидлар кучаяётган бир пайтда ёшлар тарбияси масаласи ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Ўзбекистонда бу борада бутунлай муаммо йўқ деб бўлмайди.

НАТИЖА

Президент томонидан ўртага ташлаганган мулоҳазаларни мушоҳада қилар эканмиз, радикализм ва экстремизм илдиз отиб бораётган бугунги кунда жамиятимизда ёшлар тарбиясида аҳамият қаратиш лозим бўлган энг долзарб жиҳатлар қуйидаги тамойилларда намоён бўлишига хулоса қиламиз:

- муаммони ҳал қилишнинг дастлабки чораси бу мафкуравий иммунитетдир. Мафкуравий иммунитет қандай ҳосил қилинади ва унга асос сифатида нимани танламоқ лозим? Албатта, ўзбек халқининг неча минг йиллар давомида шаклланган маънавий қадриятлари, муқаддас эътиқоди, аждодлар меросидаги қимматли фикрлар мафкуравий иммунитетнинг асосига айланмоғи лозим. Бу борада Қуръони карим оятлари, ҳадислар шунингдек, аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий ғояларида ўз аксини топган халқимизнинг муқаддас эътиқоди ислом динининг одамийлик, олийжаноблик, тўғрилиқ, бунёдкорлик, ҳаё, андиша, оилага, Ватанга муҳаббат каби юксак инсоний фазилатларга тарғиб этувчи қадриятларини ёшлар онгига сингдириш – диний, сиёсий, ғоявий курашлар кетаётган ҳозирги кунда ёшларни радикализм каби хавфлардан ҳимоялашда ўта аҳамиятлидир.

Зеро, президентимиз ҳақли таъкидлаганларидек, «Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур» (Ш. Мирзиёев, 2022:5);

- иккинчидан, ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданиятнинг моҳиятини англаш борасидаги қонунларга амал қилиш, янги демократик тамойилларни идрок этиш ва қабул қилиш, ижтимоий ва сиёсий онг, дин ва демократик жамият мувозанатига нисбатан турлича муносабат ва қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бу борада соғлом вазиятни таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот фаолиятини янада кучайтириш, унинг таъсирчанлигини ошириш, замонавий тарбия технологияларини жорий этиш, таълим сифатини ошириш талаб этилади. Негаки, *«Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир»* (Ш. Мирзиёев, 2022:5);

- ёшларда ҳуқуқий онг ва маданият, миллий мафқуранинг вужудга келишида маънавият асосий ўрин тутди. Маънавият улар қалбида камол топиши учун эса ҳар бир ёш авлод ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилинаётган бир шароитда яшаётганлиги ва ўқиётганлигини чуқур ҳис қилишлари керак. Чунки, ҳуқуқий онг ва маданият даражасининг ўсиб бориши фуқароларнинг давлатга, келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Шахснинг ҳуқуқий мафқура ва маданияти давлат тизимида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Булар эса ёшларни аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси, тарбиянинг юксак кўринишидир. Унинг асосида фуқароларга юклатилган янгича бурч ва мажбуриятлар, берилган ҳуқуқ ва эркинликлар, жамият ва давлат, халқ манфаати тушунчаси, Ватан учун ўзини сафарбар қила олишга ишонч кучи ётади. Таъкидлаш жоизки, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган айна пайтда фақат ўз фикри ва қатъий ҳаётий нуқтаи назарига эга бўлган халқ ва унинг тўғри йўлни танлаган ёш авлоди ўз келажagini қуришга қодир куч бўла олади;

– ёшлар учун касб-корга йўналганлик ва касбий тайёргарликка интилиш муҳим масала бўлиб, уларнинг тафаккур ва ҳулқида асосий мазмун касб этади. Айнан шу фаолият билан ёшлар ўзларининг жамиятдаги ижтимоий ўринларини ҳис қиладилар. Ёшларнинг юқори даражадаги малака ва обрў-эътиборли касб эгаллашларига интилишлари табиий. Бу борада ёшларнинг бўлғуси касб танлашларида ота-оналар, ўқитувчилар ва жамоатчилик фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Демак, оила, давлат ва жамият ёшларни қанчалик касб-хунар эгаллашлари ҳамда билим олишларига бирдек масъул ҳаракат қилмоғи лозим. Президен-

тимиз ўз маърузасида: «Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат» – эканига алоҳида урғу бериб, «Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Шу боис, 700дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур»лигини таъкидлади (Ш. Мирзиёев, 2022:5);

Мавжуд муаммоларнинг ечими сифатида давлат раҳбари истиқболдаги мақсадли дастурлар ҳақида тўхталиб ўтдилар: «Ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади. Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтираимиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз» (Ш. Мирзиёев, 2022:5);

- ёшларни радикализмдан ҳимоя қилишнинг муҳим шартларидан яна бири миллий ғоя ва мафқуранинг асосий тушунчалари ва принципларини улар онгига сингдириш, миллий ўзликни англаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишдир. Миллий ўзликни англаш, миллий давлатчилигимизни шакллантириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳавфсизлигига ҳавф туғдираётган, конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ҳаракат қилаётган ёвуз ижтимоий-сиёсий кучларга қарши кураш руҳида ёшларни тарбиялаш муҳим омилдир.

Ёшларда миллий ўзликни англаш қобилиятини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири – миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришдир. Миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришда миллий тарбиянинг ўрни ва роли бекиёс. Миллий таълим-тарбияни замон талаби даражасида ташкил қилмасдан ва амалга оширмасдан миллий давлатчилигимизни ташкил қилиш ва унинг мустақиллигини таъминлашимиз, уни турли ёвуз кучлар таҳдидидан муҳофаза қилишимиз амри маҳол. Давлат раҳбари ўзининг қўллаб маъру-

заларида жадид мутафаккирларимиз қарашларидан иқтибос келтириб: «Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади», дея таъкидлайди. Шунингдек, «Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улғу мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур», эканига алоҳида урғу бериб ўтган (Ш. Мирзиёев, 2022:5);

- бугунги кунда ёшлар ўртасида радикализмни олдини олиш борасида ўз ечимини кутаётган муаммолардан яна бири – бу ёшларда дунёвий сиёсий маданиятни юксалтириш ва уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ёшларини радикализм ва экстремизм таҳдидларидан ҳимоялашда уларнинг таълими, тарбияси, маънавиятини юксалтиришнинг бирдан бир энг муҳим омили «Жаҳолатга қарши маърифат» билан курашишдир. Нега деганда, «Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига қандай оғир кулфатларни солаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз» (Ш. Мирзиёев, 2022:6). Бундай кескин ва таҳликали шароитда ёшларни ҳаётидаги синовларга бардошли қилиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо барчамизнинг шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги энг олий бурчимиздир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/5491534>.
2. Мирзиёев Ш.М. (2021, 7 декабрь). Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллигига бағишланган табриги. «Етмиш марта ўйлаб, қарор қилиш керак» - Шавкат Мирзиёев асосий қомусни янгилаш тўғрисида. (kun.uz)
3. Мирзиёев Ш.М. (2023, 8 май). Ўзбекистон – дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/05/08/uzbekistan/>
4. Мирзиёев Ш.М. (2017). Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти.
5. Мирзиёев Ш.М. (2022, 20 декабрь). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/577>.
6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. O'zbekiston yoshlariga bayram tabrigi (president.uz)
7. Мирзиёев Ш.М. (2017). Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурумиз. Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти.
8. Мелиқозиев Ж.Х. «Дунёвий-маърифий давлат» тушунчаси. «Дунёвийлик – дахрийлик эмас» тамойилининг мазмун-моҳияти. «Дунёвий-маърифий давлат» тушунчаси. «Дунёвийлик – дахрийлик эмас» тамойилининг мазмун-моҳияти. – oliymahad.uz
9. Абу Мансур Мотуридий. (2006). Таъвилот аҳли-сунна. Бакр Тўпол ўғли таҳрири остида. Истанбул: Дар ал-мезон, Ж. 8.
10. Қориев О., Тўраев Ҳ. (2000). Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент: Тошкент Давлат юридик институти.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (2023, 1 май). (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/23/837/0241-сон). <https://lex.uz/docs/6445145>.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022, № 4, 69-м.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талабида» мавзусидаги анжумандаги нутқи. (2017, 16 июн). Халқ сўзи, № 119.
14. Юсупова Н. (2022). Ёшлар ўртасида радикализмни олдини олишда жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг аҳамияти. Имом Бухорий сабоқлари, №4, б. 132133.
15. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. (2018). Тошкент: Тошкент ислом университети.

REFERENCES

1. «Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni. Retrieved from <https://lex.uz/docs/5491534>
2. Mirziyoyev, Shavkat Miromonovich. (2021, December 7). O'zbekiston Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 29 yilligiga bag'ishlangan tabrigi. «Yetmish marta o'ylab, qaror qilish kerak» – Shavkat Mirziyoyev asosiy qomusni yangilash to'g'risida. kun.uz
3. Mirziyoyev, Shavkat Miromonovich. (2023, May 8). O'zbekiston – dunyoviy davlat va bundan keyin ham shunday bo'lib qoladi. Retrieved from <https://www.gazeta.uz/uz/2023/05/08/uzbekistan/>
4. Mirziyoyev, Shavkat Miromonovich. (2017). Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligi garovi. Tashkent: Uzbekistan Publishing House.
5. Mirziyoyev, Shavkat Miromonovich. (2022, December 20). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. Retrieved from <https://president.uz/uz/lists/view/577>
6. Mirziyoyev, Shavkat Miromonovich. (n.d.). O'zbekiston yoshlari bayram tabrigi. Retrieved from <https://president.uz>
7. Mirziyoyev, Shavkat Miromonovich. (2017). Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Tashkent: Uzbekistan Publishing House.
8. Meliqoziyev, Jamshid Husenovich. (n.d.). «Dunyoviy-ma'rifiy davlat» tushunchasi. «Dunyoviylik – dahriylik emas» tamoyilining mazmun-mohiyati. Retrieved from oliymahad.uz
9. Abu Mansur Moturidiy. (2006). Ta'wilat Ahl as-Sunna (Vol. 8, Bekir Topal oğlu ed.). Istanbul: Dar al-Miyzan.
10. Odil Qoriyev, Hikmat Turaevich. (2000). Davlat va huquq nazariyasi. Tashkent: Tashkent State Institute of Law.
11. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. (2023, May 1). (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 03/23/837/0241-son). Retrieved from <https://lex.uz/docs/6445145>
12. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son Farmoni. (2022). 2022–2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida. Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, No. 4, 69-m.
13. Mirziyoyev, Shavkat Miromonovich. (2017, June 16). Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabida. Xalq so'zi, No. 119.
14. Yusupova N. (2022). Yoshlar o'rtasida radikalizmni oldini olishda jaholatga qarshi ma'rifat bilan kurashning ahamiyati. Imom Buxoriy saboqlari, No. 4, 132–133.
15. Mansur, Abdulaziz. (2018). Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. Tashkent: Tashkent Islamic University.

